

**Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий
инвестицияларни жалб этиш агентлиги фаолияти бўйича таҳлилий
МАЪЛУМОТНОМА**

I. Агентликнинг фаолияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4135-сон қарорининг 1-бандига асосан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ташкил этилган.

Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда республика иқтисодиётiga хорижий инвестицияларни жалб этишга, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

- хорижий инвесторларни ахборот билан, ҳуқуқий ва бошқа томондан қўллаб-қувватлаш, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий тадбиркорлар билан инвестиция фаолияти соҳасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этишда уларга кўмаклашиш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги истиқболли ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари маълумотларининг ахборот базасини шакллантириш ва юритиш, уларнинг амалга оширилиш ҳолати устидан доимий мониторинг олиб бориш;

- республиканинг иқтисодий, ресурс ва инвестицион салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ва илгари суришни, яратилган қулай шарт-шароитлар, хорижий инвесторларга бериладиган имтиёзлар, афзалликлар ҳақида чет эл ишбилармон доиралари орасида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туришга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Юқорида белгиланган йўналишлар ва вазифалар доиласида, 2022 йил январь-декабрь ойларида Агентлик томонидан қўйидагилар амалга оширилди.

2022 йилнинг **31 декабрь** ҳолатига кўра Агентлик томонидан хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан мунтазам учрашув ва музокаралар бўйича **132 та юзма-юз учрашув ва 23 та ВКА форматидаги учрашувлар** ўтказилди.

Жумладан, **2022** йил давомида Хорижий инвесторларни Ўзбекистон инвестиция муҳити ва имтиёзлар билан таништириш мақсадида **22 та юзма-юз ва 5 та ВКА форматидаги учрашувлар** ташкил этилди. Жумладан, “Ресторация” (Россия), “Symbio Swiss” (Швейцария), “Iran Polyrethane Group” (Эрон), “UzOman” (Оман), “Mitsui” (Япония), “Henley Partners” (Швеция), ООО “Энергокомплект” (Белоруссия), “Beyond investments group” (Франция), “Red Power Goji” (XXP) Болгария делегацияси, “Lindemann Law” компанияси бошчилигидағи делегацияси (Швейцария), “Deloitte Consulting LLP” компанияси (Ўзбекистон), “Havunen consulting” компанияси (Финляндия), Annexure Financial Solutions (Ўзбекистон), “HERANBA INDUSTRIES” компанияси (Хиндистон); “Маревен Фудс” (Қозоғистон) компанияси; “KEDA INDUSTRIAL GROUP CO. LTD” компанияси (XXP), “National Vidya Foundation” компанияси (Хиндистон) ва якатартибдаги тадбиркор М.Морозов (Россия) билан. “Inspecta International Group”, “Воткинская промышленная компания” ОАЖ «Kimberly-clark» компанияси, «Alvarez & Marshal» компанияси, Дубайнинг «ERG», “LR Group” компанияси, Швейцариянинг ва «Roche Holding AG» компанияси билан учрашувлар. Шунингдек, “Ўзбекистон ва Марказий Осиё кон саноати” халқаро конгресс ва кўргазмасида иштирок этилди ҳамда Ўзбекистон-Қозоғистон ҳудудлараро Бизнес-форуми ташкил этиш бўйича ВКА форматидаги учрашувда иштирок этилди.

Шу билан бирга, “**Mareven Food Pamir**” МЧЖ ҚК (Қозоғистон), Махаллий “**BMB Trade**” корхонаси, “**Факира**” компанияси (Россия), “**ТополГруп**” компанияси, “**ERG**” (Дубай), “**LRN**” (Корея), “**Roche Holding AG**” (Швейцария) компанияларига ходимлар томонидан тегишли кўмак бериб келинмоқда.

Португалиянинг “**IGHS**” корпорацияси раиси Хосе Александр Чунха бошчилигидағи делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи давомида Агентлик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги вакиллари билан учрашувлар ташкиллаштирилди. Натижада корпорация йирик турдаги кўп тармоқли шифохона мажмуасини барпо этиш (қиймати 78 млн долл.) ҳамда корпорация ҳамкори “**FHC Group**” компанияси бир нечта турдаги **дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга** (38 млн долл.) қўйиш келишилган.

“**Mareven Food Pamir**” МЧЖ ҚК компанияси (Қозоғистон) раҳбари Б. Вавржин билан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Н. Шарипов ва “Ангрен” ЭИЗ директорцияси ўртасида учрашуви ташкиллаштирилиб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун таклиф этилган ер майдонлари муҳокама қилинди. Натижада хорижий компания “Ангрен” ЭИЗ билан **англашув меморандуми имзоланиб**, “Ангрен” ЭИЗ ҳудудининг **21 га** майдонида “тез

тайёрланувчи лағмон ва салқин ичимликларни ишлаб чиқариш” лойиҳасини (қиймати **60** млн долл.) амалга ошириш келишиб олинди.

Республика ҳудудида фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни муаммосини ўрганиш ва кўмаклашиш бўйича:

Агентликнинг масъул ходимларидан иборат **3 та** ишчи гурӯҳ шакллантирилиб, 2022 йилнинг **24-27 май** кунлари Тошкент вилоятида (**37** та), **29 июнь - 1 юль** кунлари Фарғона вилоятида (**26** та), **12 - 14 октябрь** кунлари Навоий вилоятида (**28** та) туман, шаҳарларининг “Лойиҳа гурӯҳлари” ва жами **91** та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида **хомашё етказиш, газ таъминоти, ер ажратиш, лицензия олиш, логистика, кредит олиш ва бошقا масалалар билан боғлиқ муаммолар** аниқланди ва **86,0** млн. АҚШ долларига тенг **2** та янги лойиҳани амалга ошириш режаси маълум бўлди.

2022 йил якуни билан аниқланган муаммолардан бир нечтаси ўз ечимини топган. Жумаладан, Тошкент вилоятидаги 3 та корхонанинг муаммоси жойида ҳал этилган бўлиб, Оҳангарон туманидаги “**Pak-Merit Bleaching Clay**” МЧЖда қиймати **7,5** млн доллар бўлган “Актив оқартирувчи бўёқларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси бўйича Покистонлик инвесторга виза расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди ва Ангрен шаҳридаги “**Angren Pak**” МЧЖда қиймати **11,5** млн долларга тенг “Картон ва қофоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил этиш” лойиҳаси бўйича Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳамкорлигига “савдо белги”си расмийлаштирилди.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятидаги корхоналарда аниқланган **17** та муаммодан **7** таси, Фарғона вилоятидаги корхоналарда аниқланган **34** та муаммодан **14** таси, Навоий вилоятидаги корхоналарда аниқланган **28** та муаммодан **8** таси ўз ечимини топган. Қолганлари бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан ишлар олиб борилмоқда.

Хорижий давлатларга сафарлар бўйича:

Агентлик раҳбарияти ва ходимлари томонидан **Сеул шаҳрида** ўтказилган “**Бизнес ҳамкорлик – 2022**” тадбири, Истроил, Венгрия ва Франция давлатларида ўтказилган **бизнес форумлар**, Ҳиндистонда ўтказилган **БМТ тадбирида, Россия Федерациясида** ўтказилган **БРИКС+ халқаро форуми, Марокашда** Ислом тараққиёт банки томонидан ташкиллаштирилган семинарда иштирок этилди.

Ягона инвестиция порталидаги янги инвестиция лойиҳалари (Invest.gov.uz):

2022 йилнинг **31** декабрь ҳолатига кўра Агентлик сайтида умумий қиймати **24,77 млрд АҚШ долларига** тенг **1556** та истиқболли инвестиция лойиҳалари хорижий инвесторларга таклиф сифатида тақдим этиш мақсадида жойлаштирилган.

Жумладан, 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида **Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда маҳаллий ташаббускорлар** томонидан тақдим этилган умумий қиймати **3,4 млрд АҚШ долларига** тенг **103** та инвестиция лойиҳалари бўйича тақдимот материаллари ва дастлабки бизнес режалар хорижий инвесторларга тақдим этиш мақсадида **ягона инвестиция порталига** (invest.gov.uz) жойлаштирилди.

Халқаро миллий тадбирлар бўйича:

Тошкент халқаро инвестиция форуми, “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро кўргазмаси, Озарбайжон бизнес форуми, Биринчи Энергетика Форуми, “Тошкент халқаро молия марказини” яратиш лойиҳасининг муҳокамаси бўйича хорижий эксперталар иштирокидаги учрашув, “II Ўзбекистон Иктисодий Forum 2022”, Фарма Ўзбекистон ва Марказий Осиё конгреси ва кўргазмаси, Россия бизнес-форуми, Қозоғистон ҳудудлараро Бизнес-форуми, Саудия арабистон бизнес форумлари **2022** **йил давомида** ва бошқа маҳаллий тадбирларда агентлик раҳбари ва ҳодимлари иштирок этишди.

ВКА форматида Бизнес-форумлар ва “Road Show” тадбирлар:

Агентлик томонидан 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида ВКА форматида XXР, Хиндистон, Сингапур, Малайзия, Россия, Исроил ва Буюк Британия билан ҳамкорликда жами **21** та **“Road Show”** ва **13** та **Бизнес форум**, шунингдек **13** та бошқа форматдаги тадбирлари ўтказилди.

2022 йилнинг октябрь ойида **Ўзбекистон-Венгрия** бизнес форуми, **Ўзбекистон-Япония** иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси йиғилиши, **“Германия иқтисодиёти куни”** бизнес-форуми, **“Мода ҳамдўстлиги”** форуми, **Қозоғистон Республикаси** Бош вазири **ўринбосари** – Савдо ва интеграция вазири билан учрашув, **“Kazakhstan Invest Group”** компанияси билан учрашув, **ЕТТБ делегацияси** билан учрашувларда қатнашилди.

2022 йил Агентлик томонидан қўйидаги **Халқаро ташкилотлар**, Ўзбекистон Республикаси ва **7** та хорижий давлатлар элчиҳоналари билан учрашув ва музокаралар ўтказилди, жумладан, Қувайт ва Германиянинг Ўзбекистондаги

элчилари билан, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Ш. Адриан билан, Швейцария элчихонасининг савдо-иқтисодий маслахатчиси Д. Петтер билан учрашув, Ўзбекистондаги Болгария элчиси С.Г. Русинова бошчилигидаги Болгария делегацияси билан, Ўзбекистондаги Япония элчиси Ш. Тода ва Япония элчихонасининг биринчи котиби Х. Югути билан, Ўзбекистондаги Франция элчиси билан учрашувлар ўтказилди.

Тармоқ вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик бўйича:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги раҳбарияти билан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринbosари билан ва Энергетика вазири ўринbosари билан ҳамкорликда учрашувлар бўлиб ўтди.

Ходимлар малакасини ошириш бўйича ўтказилган тренинглар бўйича:

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ходимлари малакасини ошириш юзасидан **2022** йил давомида **UNIDO, IDI, IFC, TIAC, UzDIF** ва бошқа қатор халқаро ва маҳаллий ташкилотлар эксперталари томонидан ўтказилган **10** та тренинг ва махорат дарсларида иштирок этилди.

Хорижий инвесторларга давлат органлари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашиш бўйича:

- “Do Challenge for Tomorrow LLC” компанияси (Корея Республикаси), Россиянинг Нижегород вилояти делегацияси, “Factor.one” факторинг компанияси, “Promtech group” (Россия) директори Вадим Бараков билан, “NVK MANAGEMENT” МЧЖ компанияси, Финляндиянинг “KONE” компанияси, Португалиянинг “IGHC” компанияси, “Маревен Тъян-Шань” компанияси (Қозоғистон) раҳбари Б. Вавржин билан, “ПЕТКУС” компанияси ижрои директори билан, Тюрингия Федерал давлатининг “EPC Engineering & Technologies GmbH”, “Maicom Quarz GmbH” делегацияси, “Motivech” (Малайзия) компаниялари учун ЭИЗ дирекциялари ва бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан учрашув ташкиллаштирилди.

Тармоқ ва соҳалар бўйича ахборот маълумотларини тайёрлаш ва янгилаш бўйича:

2022 йил **31** декабрь ҳолатига кўра тармоқ ва соҳалар бўйича **27** та ва хорижий компаниялар сўровларига асосан турли масалаларда **13** та ахборот маълумотлари шакллантирилди. Шунингдек, бизнес форум ва бошқа тадбирлар

доирасида **хорижий ишбилармон доираларини** Ўзбекистон Республикаси инвестиция салоҳияти билан танишириш мақсадида **тақдимот материали** тайёрланди. Шу билан бирга, хорижий инвесторларни Ўзбекистонда инвестиция мұхити түғрисида ахборот билан таъминлаш мақсадида полиграфия маҳсулотларини (лифлет, брошюра ва журнал) **лифлетлар янгиланиб келинмоқда**.

Invest.gov.uz инвестиция портали маълумотларини янгилаш ва янги ахборот маълумотлари тайёрлаш бўйича:

2022 йил **31 декабрь** ҳолатига кўра Invest.gov.uz инвестиция портали маълумотларини янгилаш юзасидан **18 та янги ахборот маълумотлари** тайёрланди ва жойлаштирилди. Ҳусусан, **Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиблари түғрисида янги саҳифа** очилди ҳамда тегишли маълумотлар жойлаштирилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **“Инвестор учун қўлланма”си (Investment Guide Uzbekistan)** **3 та** тилда (инглиз, рус ва япон тилларида) жойлаштирилди.

Шу билан бирга, Вазирлик раҳбарияти иштирокида ўтказилган учрашув, тадбир ва бизнес форум түғрисида **хабар ва мақолалар** тайёрланиб, портал ва ижтимоий тармоқларда **160 та** соҳага оид янгилик ва бундан ташқари, Республикаизнинг инвестицион мұхитига тегишли масалалар бўйича **279 та** янгилик жойлаштирилди.

Хорижий корхоналар томонидан Агентликнинг Live-chat, Call-center хизматлари, электрон почта орқали ва бошқа йўллар билан келиб тушаётган саволларга жавоб бериш бўйича:

2022 йил **31 декабрь** ҳолатига кўра Агентликнинг **Live-chat, Call-center хизматлари ва электрон почта ва mf.ijro орқали** келиб тушган **562 та** оғзаки ва ёзма мурожаатлар келиб тушди. Ушбу мурожаатлар бўйича уларни қизиқтирган саволларига ва мавжуд муаммоларини ижобий ҳал этилишида Агентлик томонидан амалий ёрдам берилди.